ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01103

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ИНСОН КАПИТАЛИНИНГ МОҲИЯТИ, МАНБАЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Мирзохид Латифович Шарипов
Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси
sharipovmirzoxid@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада интеллектул инсон капиталининг моҳияти, унинг ўзига хос хусусиятлари, интеллектуал инсон капиталининг шаклланиши босқичлари ва элементлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Интеллектул инсон капитали, меҳнат ресурси, ишчи кучи, меҳнат потенциали, инсон ресурслари, инсон омили.

ESSENCE OF INTELLECTUAL HUMAN CAPITAL, ITS SOURCES AND FEATURES

ABSTRACT

In the article analyzes the essence of intellectual human capital, its features, stages and elements of the formation of intellectual human capital.

Keywords: Intellectual human capital, labor resource, labor force, labor potential, human resources, human factor.

КИРИШ

Бугунги дунё илм-фан, жамият ҳаётининг барча соҳаларида кескин ўзгаришлар бўлаётган, ахборот технологиялари шиддат билан ривожланаётган даврдир. Замонавий дунёда юқори технологияларни ихтиро қилиш, ишлаб чиқаришга жорий этиш ва уларни янада мукаммаллаштириб бориш, иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида инновацион янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни жорий этиш яқори салоҳиятга эга кадрларни талаб қилади. Ишлаб чиқариш унумдорлигига тезкорлик билан эриша оладиган ижодий фикрловчи кадрларни жалб қилиш муваффақиятга эришишнинг асосий омилидир. Шунинг учун ҳам инсон капиталига инвестицияларни йўналтириш жисмоний ва маънавий соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим шарти сифатида қаралмоқда.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01103

Инсон капитали XXI асрда инсониятнинг ва ҳар бир давлатнинг тақдирини белгилайдиган асосий мезонига айланди. Цивилизациянинг учинчи босқичи умуммаданий ёки интеллектуал-маънавий босқич бўлиши мумкин. Инсон капитали бу — миллатнинг бирлашган имкониятлари йиғиндисидир [3.1].

Янги технологик асос ва постиндустриал жамиятни шакллантириш жараёнида ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи омили илғор технологиялар эмас, балки юқори даражада ривожланган, ташаббускор ва рақобатбардош ишчи кучи ҳисобланади [2.12].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ҳозирги пайтда интеллектуал инсон капиталини ривожлантириш ва у билан боғлиқ тушунчаларнинг назарий масалалари С.А.Грачев, В.А.Мошнов, Г.Борягин, В.А.Галкина, Б.М.Генкин, М.М.Хайкин, А.Я.Кибанова, Г.С.Беккер, И.В.Грузков, А.В.Корицкий каби хорижий тадқиқотчи-олимлар томонидан атрофлича ўрганилган. Кейинги йилларда мамлакатимизда ҳам Қ.Х.Абдурахмонов, А.Ўлмасов, А.Ваҳобов, М.Саидов, И.А.Бакиева, М.Қ.Пардаев, Б.А.Абдукаримов, К.Саидов, М.Мухаммедов, Д.Асланова, Р.Сейтмурадов, С.Исхакова, М.Қуронов, Р.Салохўжаевлар томонидан илмий изланишлар олиб борилиб, интелектуал инсон капитали соҳасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу мақолада интеллектуал инсон капиталининг моҳияти, манбалари ва хусусиятлари тадқиқ этилган бўлиб, анализ ва синтез, умумлаштириш, қиёсий таҳлил, индукция ва дедукция методларидан фойдаланилди.

НАТИЖАЛАР

Интеллектуал капитал назариясига қизиқишнинг ортиши XX асрнинг 60-70-йилларидан бошланади. Замонавий инсон капитали назариясининг асосчиси Т.Шульц бўлиб, у одамга сармоя киритишнинг асосий натижаларини одамларнинг меҳнат қобилиятининг тўпланиши, уларнинг жамиятдаги самарали ижодий фаолияти ва соғлиғини сақлаш деб ҳисоблаган. У инсон капитали ишлаб чиқариш табиатининг зарур хусусиятларига эга эканлигини ва уни тўплаш ва кўпайтиришга қодир эканлигини исботлади. Т.Шульцнинг тахминларига кўра, жамиятда ишлаб чиқарилган жами маҳсулотдан XX асрнинг такрор ишлаб чиқариш назарияларидан келиб чиққан ҳолда 1/4 қисми

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01103

эмас, балки унинг умумий қийматининг 3/4 қисми инсон капиталини тўплаш учун ишлатилади.

Замонавий корхоналар ноёб билимларни эгаллаш ва улардан фойдаланиш, кадрларни доимий ўқитиш, яъни интеллектуал мулкдан фойдаланиш орқали рақобатбардош устунликларни қўлга киритади ва қўллаб-қувватлайди [4.30]. Ишда интеллектуал қобилиятларнинг ҳал қилувчи аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, кўплаб муаллифлар интеллектуал капиталнинг мазмунини кенгроқ талқин қиладилар, баъзида интеллектуал ва инсон капиталини тенглаштирадилар. Э.Брукинг фикрига кўра интеллектуал капиталнинг таркибий қисмларига инсон активлари, интеллектуал мулк, инфратузилма ва бозор активлари киради. Инсон активлари деганда корхона ходимларининг жамоавий билимлари, уларнинг ижодкорлиги, муаммоларни ҳал қилиш қобилиятлари, етакчилик фазилатлари, тадбиркорлик ва бошқарув қобилиятлари йиғиндиси тушунилади. Интеллектуал капитал деганда Б.Б.Леонтьев ҳар бир субъектнинг интеллектуал бойликлари, шу жумладан интеллектуал мулк, унинг табиий ва орттирилган интеллектуал салоҳияти ва қобилиятлари, шунингдек у томонидан тўпланган билимлар базаси ва бошқа субъектлар билан фойдали алоқаларнинг жами қийматини тушунади. Интеллектуал капитал субъектининг қиймати ҳар доим унинг интеллектуал фаолиятининг аслида кутилган натижаларига нисбатан кўриб чиқилиши ва шу асосда тегишли қиймат билан ифодаланиши керак. Интеллектуал капитал етакчи капитал бўлиб, иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида ҳар қандай корхонанинг асосини ташкил этади [1.82].

Интеллектуал капитал билимлар заҳирасида, ижодий (креатив) қобилиятларда, инновацион муаммоларни ҳал қилиш тажрибасида, ақлий меҳнат маданияти ва мотивациясида мужассам бўлиб, инсон, компания ва жамият даромадларини оширади. Шахсий интеллектуал капитал мутахассис шахсидан ажралмас бўлиб, самарали фойдаланиладиган интеллектуал мулк ва муаллифлик ҳуқуқи объектларида мужассамлашади. Фирманинг интеллектуал капитали ўзига хос хусусиятларни, шунингдек рақобатдош устунликни таъминлаш ва ушлаб туриш учун фойдаланиладиган фирманинг номоддий активларини ўз ичига олади. Интеллектуал капиталнинг асосий манбаларига қуйидагилар киради:

- турли илмий йўналишларда олиб борилаётган илмий тадқиқот ва изланишлар (мақолалар, монографиялар, маълумот базалари);
- технологик ишланмалар - лойиҳалар, патентлар, ноу-хау, моделлар;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01103

- ташкилий ва иқтисодий ривожланиш - методлар, дастурлар, стандартлар, прогнозлар ва бошқалар;
- индивидуал инновацион фаолият - муаллифлик ҳуқуқи, махсус билим ва кўникмалар, ижодкорлик, интеллектуал мулк [1.83].

Интеллектуал капитал ривожланишини белгиловчи муҳим омиллардан бири бу доимий равишда олиб бориладиган таълимдир. Узлуксиз касб-ҳунар таълими - бу инсоннинг касбий фаолиятини такомиллаштириш мақсадида унинг билим, кўникма ва малакаларини оширишга қаратилган машғулотлардир. Узлуксиз касб-ҳунар таълими иш тажрибасига эга бўлган катта ёшдаги кадрларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантиради. Шу сабабли бу жараён билан боғлиқ қуйидаги хусусиятларни таъкидлаш мумкин:

1. Вояга этган профессионал ўқувчи ихтиёрий таълим субъекти ҳисобланади. Таълимга бўлган эҳтиёж шахсий ва касбий эҳтиёжлардан келиб чиқади.
2. Таълим дастурларининг моҳияти ва усулларини режалаштириш жараёнида талабанинг фаоллиги муҳим аҳамиятга эга бўлади.
3. Таълим жараёнида расмий ва норасмий таълим шаклларидан фойдаланиш зарурати туғилади. Масалан, маъруза-мунозаралар, маърузалар-консултациялар, давра суҳбатлари режимидаги семинарлар, индивидуал суҳбатлар ва ҳоказо.
4. Рағбатлантириш ва мукофотлашнинг турли шаклларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашнинг аҳамияти (масалан, талабанинг семестр давомидаги иш натижалари ва мустақил ишларнинг бажарилишини ҳисобга олган ҳолда баҳоланиши) [1.84].

Таълимга сармоя киритиш самарадорлиги ўқитиш харажатлари ва олинган/кутилаётган даромадларнинг нисбатларига боғлиқ. Ўқитиш билан боғлиқ барча харажатлар бир неча гуруҳга бўлинади:

1. Тўғридан-тўғри харажатлар:

- ўқиш билан боғлиқ асосий ва қўшимча тўловлар;
- яшаш жойини ўзгартириш билан боғлиқ харажатлар;
- ўқув жараёни билан боғлиқ харажатлар (ўқув ва услубий адабиётлар, китоб ва дафтарлар, кутубхона хизматларидан фойдаланиш, илмий нашрларни сотиб олиш ва бошқалар);

2. Йўқотилган даромад (фойда йўқотиш):

- таълим жараёнидаги маълум бир давр мобайнида талаба-ўқувчи ишлай олмайди, маълум миқдордаги ишлаб топиши мумкин бўлган даромаддан воз

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01103

кечади. Шунинг учун, баъзи ҳолларда, бундай “йўқолган даромадлар” таълим харажатлари деб ҳисобланади. Агар талаба-ўқувчига стипендия берилса ва у ўқитиш давридаги потенциал даромадга тенг бўлса ёки иш ҳақи миқдори ходим учун ўқиш даврида сақланиб қолса йўқотилган иш ҳақи нолга тенг деб ҳисобланади.

3. Маънавий харажатлар:

- бўш вақтнинг камлиги ва уни ўқиш билан ўтказилиши;
- ўзига таниш ижтимоий муҳитнинг ўзгариши (янги ижтимоий гуруҳларга киритишнинг қийинчиликлари);
- маънавий-руҳий зўриқишлар;
- стрессли вазиятлар.

Харажатларнинг дастлабки икки гуруҳини ўртача аниқлик даражаси билан аниқлаш мумкин, учинчи гуруҳ харажатларини баҳолаш мураккаб бўлиб кўпинча у инсон ҳаётида ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Таълим билан боғлиқ умумий даромад ҳам уч гуруҳга бўлинади:

1. Бевосита ёки тўғридан-тўғри имтиёзлар:

- даромаднинг юқори даражаси;
- фойдани тақсимлаш жараёнида иштирок этиш;
- меҳнат шароитларини яхшилаш (индивидуал шартномалар, имтиёзлар, нафақалар, бонуслар);
- шахсий суғурта дастурлари (пенсия ва тиббий суғурталар).

2. Билвосита имтиёзлар:

- таълимга сармоя киритишнинг ташқи манбалар ёки учинчи томон манбалари ҳисобидан қоплаш имкониятининг мавжудлиги;
- иш берувчилар томонидан молиялаштириладиган соғлиқни сақлашни яхшилаш дастурлари;
- меҳнат ва дам олиш шароитларини яхшилаш;
- иш берувчи ҳисобидан яшаш шароитларининг яхшиланиши (имтиёзли кредит бериш, ижтимоий инфратузилма ва бошқалар).

3. Маънавий имтиёзлар:

- касбий фаолиятдан қониқиш;
- малака ошириш;
- меҳнат бозоридаги рақобатбардошлик, барқарорлик ва хавфсизлик ҳисси;
- ўқув жараёнидан қониқиш;
- юқори салоҳиятли мутахассислар билан ҳамкорлик [1.85].

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01103

Таълимга сармоя киритиш самарадорлигини белгиловчи муҳим омил - бу ўқитиш қиймати ва интеллектуал меҳнатнинг бозор қиймати нисбатидир. Ҳақиқий ҳаётда камдан-кам ҳолларда ҳеч ким олий ўқув юртига кириш учун олий ўқув юртига сармоялар киритиш самарадорлиги тўғрисидаги ҳисоб-китоблар асосида қарор қабул қилмайди. Шунга қарамай, абитуриентлар маълум ҳисоб-китоблардан фойдаланадилар ва таълимни тугатгандан сўнг қўшимча даромад олиш имкониятини ва бунинг учун харажатларни амалга ошириш зарурлигини ҳисобга оладилар.

МУҲОКАМА

Мамлакатимизда кейинги уч-тўрт йилда умуммиллий бойликнинг ажралмас қисми ҳисобланган интеллектуал инсон капитали ривожига катта эътибор қаратилмоқда. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва бандлигини таъминлаш, инсон саломатлигини муҳофаза қилиш, оилавий муносабатларни яхшилаш, маҳалла институтлари фаолиятини такомиллаштириш ҳамда таълим-тарбия тизимидаги туб бурилишлар шулар жумласидандир. Инсон капитали – бу инсонда жамланган қобилият, малака ва мақсадлар заҳираси бўлиб, ҳар қандай мамлакат ва давлат иқтисодиётининг жаҳон бозорида рақобатдардошлигини таъминловчи, давлат бошқаруви, қонунчилик ва ижро органлари фаолиятига кучли таъсир кўрсатувчи омилдир. Тинчлик-осойишталик, она ва бола саломатлигига йўналтирилган кучли давлат ижтимоий ҳимоя сиёсати, оиладаги соғлом муҳит, аҳолининг мактабгача таълим, мактаб ва бошқа таълим турларини ўзида мужассамлаштирган узлуксиз таълим-тарбия тизим билан қамраб олиниши ва уларнинг сифат ва самарадорлиги шулар жумласидандир. Юқоридаги таҳлиллар инсон капиталига асосланган инновацион иқтисодиётни шакллантиришда илм-фан ва таълимга бош устувор йўналиш сифатида қараш, соҳалар ташкил этувчилари (фан, олий таълим ва ишлб чиқариш) интеграциялашувини чуқурлаштириш, инвестицион жараёнларни янада жадаллаштириш ва инновацион муҳитни яратиш, илмий-тадқиқотлар натижадорлигини ошириш ва яратувчанликни рағбатлантириш мақсадлилигини кўрсатади. Бунда академик фан, олий таълимдаги мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш, соҳалар ташкил этувчиларининг тугал интеграциялашуви, соҳалараро ички ва ташқи интеграциялашув билан инновацион бошқарув ва инновацион ишлаб чиқариш қобилиятига эга бўлган кадрлар тайёрланишига эришиш енгиллашади. Соҳа ва фан йўналишларида инновациялар яратиш ва уларнинг кенг жорий этилиши учун ташкил

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01103

этувчиларининг интеграциялашуви шериклар ҳар бирининг қуйидаги мақсадларга эришишини назарда тутади:

- инновацияларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишда шериклар ресурс ва бошқа имкониятларидан самарали фойдаланиб, ўз салоҳиятини ошириши;
- интеграциялашган тузилманинг инвестициявий жозибадорлигидан фойдаланган ҳолда учинчи томоннинг молиявий ва бошқа ресурсларига эга бўлишининг таъминлаши.

Жаҳон бозорида товарлар ва хизматлар ўртасида рақобат тобора кучайиб бораётган бир шароитда ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётини инновацион ривожлантириш технологик жиҳатдан ортда қолишни имкон қадар қисқартириш ва рақобатбардошликни таъминлашнинг деярли ягона йўли ҳисобланади. Ҳар қандай давлатнинг инновацион тараққиётдаги муваффақияти кўп жиҳатдан унинг инновациялар соҳасида давлат сиёсатини нечоғлиқ самарали олиб бориши ҳамда инсон капиталини сифатли шакллантиришига боғлиқ [7.1].

2018 йил 21 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли фармони қабул қилинди. Ушбу фармонда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясининг бош мақсади – инсон капиталини тараққий эттириш эканлиги аниқ қилиб белгилаб олинди. Мазкур ҳужжатда 2030 йилга келиб Ўзбекистонни Глобал инновацион индекс рейтингида жаҳоннинг 50 та илғор мамлакати қаторига киритиш асосий вазифалардан бири этиб белгиланди.

Илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш Ўзбекистон Республикаси жадал ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланади.

Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳалари шиддат билан ривожланаётгани ислоҳотларни мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси етакчилари қаторига кириш йўлида тез ва сифатли илгарилашини таъминлайдиган замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда амалга оширишни тақозо этади.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил ишлаб чиқаришни модернизация, диверсификация қилиш, унинг ҳажмини ошириш ҳамда ички ва ташқи

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01103

бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар турларини кенгайтириш борасидаги ишлар лозим даражада олиб борилмаётганини кўрсатди.

Хусусан, бу борада кўплаб кўрсаткичларнинг мавжуд эмаслиги ва ишлар самарали мувофиқлаштирилмагани сабабли мамлакатимиз сўнгги йилларда нуфузли ва обрўли халқаро тузилмалар томонидан тузиладиган Глобал инновацион индекс рейтингида иштирок этмаяпти [12.1].

Мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлилиги даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи асосий омил сифатида инсон капиталини ривожлантириш стратегиянинг бош мақсади бўлиб, бу мақсадга эришишда қуйидаги асосий вазифалар белгилаб олинди:

- Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 илғор мамлакати қаторига киришига эришиш;
- барча даражада таълим сифати ва қамровини ошириш, узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимининг иқтисодиёт эҳтиёжларига мослашувчанлигини таъминлаш;
- илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва самарадорлигини ошириш, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишлар натижаларини кенг жорий этиш учун таълим, илм-фан ва тадбиркорликни интеграция қилишнинг таъсирчан механизмларини яратиш;
- инновациялар, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларга давлат ва хусусий маблағлар киритилишини кучайтириш, бу соҳалардаги тадбирларни молиялаштиришнинг замонавий ва самарали шаклларини жорий этиш;
- бошқарувнинг замонавий усуллари ва воситаларини жорий этиш орқали давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш;
- мулкчилик ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, рақобатбардош бозорлар ташкил этиш ва бизнес юритиш учун тенг шарт-шароитлар яратиш, давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш;
- барқарор фаолият юритадиган ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани яратиш [12.2].

ХУЛОСА

Жаҳон ҳамжамиятидаги бирор бир мамлакат капиталсиз ривожлана олмайди. Олдинга интилиш учун инсоният ресурсларни ишга солиши лозим.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01103

Капитал табиий (ер ости ва усти бойликлари), инфратузилмавий (бино-иншоотлар, йўллар, бошқа турфа объектлар) ҳамда инсон капитали кўринишида бўлади.

Инсон капитали фақат интеллектуал қатлам ва интеллегенциядан иборат эмас. Бу тушунчага одамларнинг туриш-турмуши, саломатлиги, кайфияти, орзу-интилишлари, бир-бирига бўлган муносабати ҳам кириб кетади. Инсон капиталини юзага чиқариш икки жиҳатга боғлиқ. Биринчиси, биологик омил. Миллат характеридаги баъзи хусусиятлар наслдан-наслга ўтиши фанда исботланган. Биз буюк қомусий олимларнинг авлодимиз, бу эса ўзбек халқининг генетикаси инсон капитали учун мустаҳкам асос бўла олишини англатади. Иккинчи омилга мамлакатда рўй бераётган жараёнлар — таълим сифати, илмий салоҳият, соғлиқни сақлаш тизимидаги ижобий ўзгаришлар ва бошқа индикаторларни киритиш мумкин [7.3].

Ўзбекистон ислоҳотларни изчил давом эттириб, ўн беш-йигирма йилдан ичида Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига етиб олиши мумкин. Бизга мамлакатни инновацион тараққиёт йўлига олиб чиқа оладиган рақобатбардош кадрлар, сифатли таълим берувчи олий ўқув юртлари, замон билан ҳамнафас илм-фан тизими керак. Ўзбекистон мана шу соҳаларга салмоқли инвестиция киритиш орқали инсон капиталини юксалтириши мумкин. Ҳеч нарса ўз-ўзидан бўлиб қолмайди. Мамлакатимизда яхши олимлар кўпайиши учун олий таълим тизимини кучайтириш, илмий кадрларни муносиб рағбатлантириш, уларга стимул яратиб бериш зарур. Ўзбекистонда янгича фикрлайдиган мутахассислар қатлами юзага келмагунича инсон капитали ривожланмайди.

REFERENCES

1. С.А.Грачев, М.А.Гундорова, В.А.Мошнов. Инвестиции в человеческий капитал. Владимир. 2016.
2. И.Н.Шапкин. Человеческий капитал: теория, исторический опыт и перспективы развития. Москва. 2017.
3. М.Қуронов. Инсон капитали мактабда яратилади. Маърифат газетаси, 23.07.2018.
4. Я.И.Кузьмин, Л.Н.Овчарова, Л.И.Якобсон. Как увеличить человеческий капитал и его вклад в экономическое и социальное развитие. Москва. 2018.
5. Мирзохид Латифович Шарипов, Нилуфар Махсудовна Кошанова. (2021). Инсон капитали моҳияти, унинг давлат ва жамият тараққиётидаги аҳамияти. «Academic research in educational sciences». Volume 2. Issue 4. 1259-1268.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01103

6. Шарипов М.Л. (2020). Марказий Осиё мутафаккирларининг илмий мероси, уларнинг илм-фан ҳамда жаҳон цивилизацияси тараққиётидаги роли ва аҳамияти. "Science and Education" Scientific Journal. Volume 1 Special Issue. 157-172.
7. Рауф Салохўжаев. Инсон капитали тараққиёти замонавий иқтисодиётни ривожлантиришнинг ягона йўли. Review.uz/oz/post/rauf-saloxojaev-inson-kapitali-taraqqiyoti-zamonaviy-iqtisodiyotni-rivojlantirishning-yagona-yoli. 7.05. 2020 йил.
8. Нилуфар Махсудовна Кошанова, Мирзохид Латипович Шарипов (2021). Bola tarbiyasida ota-onalar ma’suliyatini oshirish dolzarb vazifa. «Academic research in educational sciences». Volume 2. Issue 4. 1252-1258.
9. Мирзохид Латифович Шарипов. (2020). Коррупцияни юзага келтирувчи омиллар ва унинг оқибатлари. "Science and Education" Scientific Journal. Volume 1 Issue 5. 263-270.
10. Шарипов М.Л. (2020). “Ёшлар маънавиятини юксалтиришда Ҳусайн Воиз Кошифий ахлоқ фалсафасининг аҳамияти”. Муғаллим ҳем узликсиз билимлендириў. № 1-1. 94-98.
11. Мирзохид Шарипов. (2020). “Тарихни ўзгартирган буюк соҳибқирон”. *Тамаддун нури*. № 2. 14-17.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони. Т., 2018 йил 21 сентябрь. ПФ-5544-сон.
13. Мухаммадиев, Р. Р., & Жайнаров, О. Ҳ. Ў. (2021). ЎЗБЕКИСТОНДА ТОМОРҚА ХЎЖАЛИГИ ВА ҚИШЛОҚ ЁШЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ТАРБИЯСИ (XX АСР 70 ЙИЛЛАРИ). *Academic research in educational sciences*, *2*(3).
14. Рахмон, М. Р. (2020). ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАГИ МЕҲНАТ ЖАСОРАТЛАРИ. *Ўтмишга назар журнали*, *9*(3).